

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАББОРОВА ДИЛБАР ДАРМОНОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА РУС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА
КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора филолософии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Жабборова Дилбар Дармоновна

Олий таълим муассасаларида рус тилини ўқитишда креативликни

шакллантириш 3

Жабборова Дилбар Дармоновна

Формирование креативности при обучении русскому языку в высших

учебных заведениях..... 23

Dilbar Darmonovna Jabborova

Formation of Creativity in Teaching the Russian Language in

Higher Educational Institutions 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАББОРОВА ДИЛБАР ДАРМОНОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА РУС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА
КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD /Ped1065 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.jdpu.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Раҳимов Бахтиёр Худойбердиевич**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мардонов Шуқурулло Қўлдашович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Маҳмудова Муяссар Маҳмудовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020. Ped.113.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси.4. Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: jdpu_info@umail.uz Жиззах давлат педагогика университети. Бош ўқув бино, 2-қават, маърузалар зали.

Диссертация билан Жиззах давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4-уй. Тел.: (872) 226-13-57; 226-21-73 факс: (872) 226-46-56.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

О.Х.Турақулов
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Н.Х.Кушвақтов
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Х.А.Мелиев
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.н., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон педагогикасида интеллектуал, етук ва ижтимоий фаол шахсларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бутунжаҳон таълим форумида қабул қилинган ва 2030 йилгача мўлжалланган концепция "... ҳар бир инсон ҳаёти давомида сифатли таълим олиши учун имкониятлар яратиш ..." ¹ устувор вазифа бўлиб, талабалар ўртасида ижтимоий фаоллик ва ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интеграция тизимининг педагогик имкониятларини кенгайтиришни талаб қилади.

Бутун дунёда баркамол ёш авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда, ёшларнинг замонавий таълим олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича изчил ишлар давом этмоқда.

Мамлакатимизда турли соҳаларда, хусусан, таълим ва фан соҳасида ислохотлар амалга оширилмоқда, ижодий фикрлайдиган инсонни тарбиялаш давлат сиёсати мақомига кўтарилмоқда. Айни кунларда таълим талабалардан янгича фикрлашни талаб қилади. Мулоқот доирасида, одамлар жамиятида дуч келадиган муаммолар уларни ижодий фикрлашга ундайди.

Олий ўқув юрларида рус тилини ўқитишда ижодкорликни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мамлакатимизда яшовчи халқларнинг тарихи ва маънавий ривожланишини ўрганишнинг муҳим омилларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатида таъкидлашича: "...мамлакатимизда илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда ёшларнинг хориждаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилишини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратилган. Бу ноёб истеъдодларни тарбиялаш ва ривожлантириш ва шу билан бирга ўз салоҳиятини глобал даражада намоён этиш имкониятини бериш учун ажойиб имкониятдир" ².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида", 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда

¹ Incheon Declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all // Word Education Forum, 19-22 may, 2015, Incheon, Republic of Korea.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 2 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаати 2 / Правда Востока. – № 248 (28706). – 2 б.

бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим тизимида рус тилини ўқитиш соҳасида талабаларни янгича фикрлашга ўргатиш муаммолари, уларнинг ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш масалалари бўйича мамлакатимиз олимларидан Г. Х. Бакиева, Л. Т. Аҳмедова, Д. Р. Джуманова, С. С. Магдиева, А. Т. Нурманов, С.Х. Абдуллаева, М.Ч. Алиев³ каби олимлар иш олиб борганлар.

Талабалар ўртасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида рус тилини фан нуқтаи назаридан ўқитишнинг дидактик ва услубий асосларини таъкидлаш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борган европалик ва америкалик олимлар томонидан ўрганилган. Буларга К. Дайан, Халперн, Дж. Дьон, М.В. Кларин, Н. Суворов, Е.С. Полат⁴ каби олимларнинг илмий изланишларини киритиш мумкин.

Талабаларнинг муаммоларни ҳал қилишда ижодий ёндашув кўникмаларини шакллантириш масалалари Р. Sternberg, Е. Р. Torrance, Х. Gardner ва бошқа⁵ хорижий таълим психологларининг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация

³ Бакиева Г.Х. Узбекский язык для стран СНГ. – Ташкент, 2012; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов (на материале художественных текстов): Автореф. дисс. ... доктора пед. наук. – Ташкент, 2012. – 48 с.; Джуманова Д.Р. Формирование речевого контроля и умения совершенствовать написанное у студентов национальных групп неязыковых вузов (на материале изложений и сочинений): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 1992. – 17 с.; Джуманова Д.Р. Фонологический аспект слова: научные традиции и современные концепции (монография). – Ташкент: «Fan va texnologiya», 2013. – 212 с.; Магдиева С.С. Современные технологии преподавания русского языка. – Ташкент, 2008. – 66 с.; Нурманов А.Т. Педагогические возможности подготовки студентов к технологии и технике эффективного общения (на примере внеаудиторных занятий): Автореф. дисс. ... доктора пед. наук. – Ташкент, 2017. – 280 с.; Абдуллаева С.Х. Рус тилини ўргатишда нофилологик ОТМ талабаларини инфокоммуникацион технологияси лексикасига ўқитиш: Автореф. дисс..... докт. философии (PhD) по пед.наукам. – Ташкент, 2020. – 57 б; Алиев М.Ч. Методика обучения русскому языку с использованием компьютеров в национальных группах неязыковых вузов: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук.. – Ташкент, 1991. – 46 с.

⁴ Дайана Халперн. Психология критического мышления. – Санкт-Петербург, 2000; Дьон Дж. Демократия и образование / Пер. с англ. – М.: Педагогика – Пресс, 2000. – 384 с.; Кларин М.В. Инновации в обучении: метафоры и модели: Анализ зарубежного опыта. – М.: Наука, 1997. – 223 с.; Суворова Н. Интерактивное обучение, новые подходы. – М., 2001; Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. – М: ИЦ «Академия», 2009

⁵ R. Sternberg. Intelligence applied: Understanding and increasing your intellectual skills. – San Diego: Harcourt Brace Jovanovich, 1986; Torrance E.P. The Search for Satori and Creativity. Buffalo N.Y.: Creative Education Foundation, 1979; H. Gardner. Creating minds. – New York: BasisBooks, 1993.

Гулистон Давлат университети рус тили ва адабиёти кафедраси илмий-тадқиқот режасининг “Узлуксиз таълим тизимида рус тили ва адабиётини ўқитишнинг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида рус тили дарсларида талабалар ўртасида ижодкорликни шакллантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаларида талабаларнинг креативлигини шакллантиришнинг услубий-дидактик таъминотини таҳлил қилиш;

талабаларга хорижий тилни (рус тили) ўқитиш орқали креативлигини шакллантириш ҳамда тил билиш компетентлигининг компонентларини ривожлантиришнинг методик модели блоклар иш турларини аниқлаш ва танлаш

олий таълим муассасалари рус тилини ўқитишда талабалар креативлигини шакллантириш, таълим лойиҳасини алгоритмлаш орқали рус тилини касбий фаолиятга йўналтириб ўқитиш методикаси интерфаол методларни қўллаш асосида талабаларнинг дунёқарашини шакллантириш;

олий таълим муассасаларида хорижий тилни (рус тили) ўқитиш орқали талабаларнинг мутахассислигига хос касбий сифатларини ва креативлигини шаклланганлик даражаларини баҳолаш мезонлари терминологик аппаратни дастурий аппаратга фанлараро интеграциялаш ҳамда тил ўрганишнинг индивидуал таълим траекториясини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида рус тилини ўқитишда креативликни шакллантириш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида рус тилини ўқитишда креативликни шакллантириш жараёнининг самарали усуллари, шакллари, воситалари ва технологияларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қуйидаги назарий ва эмпирик тадқиқот усуллари тўплами қўлланилди: адабиётларни танқидий таҳлил қилиш, трансформацион, педагогик кузатиш, танқидий-қиёсий таҳлил, сўровномалар, математик ва статистик таҳлил ҳамда экспериментал натижаларни умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида талабаларнинг креативлигини шакллантиришнинг услубий-дидактик таъминоти мазмуни рус тилини ўқитишда синергетик ёндашувни мобиллик тамойилига рефлексиялаш ҳамда ўқитиш ва ўқув билишнинг ташкилий-функционал, ташкилий-педагогик, предметли-дидактик шарт-шароитларни таъминлаш асосида ривожлантирилган;

талабаларга хорижий тилни (рус тили) ўқитиш орқали креативлигини шакллантириш ҳамда тил билиш компетентлигининг лингвистик, ижтимоий-лингвистик ва прагматик компонентларини ривожлантиришнинг методик модели мақсадли, методологик, мазмунли-фаолиятӣ, диагностик-натижавий

блоклар узвийлигида умумлашган педагогик стратегияни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида рус тилини касбий фаолиятга йўналтириб ўқитиш орқали талабаларнинг тил билиш компетентлигини ва креативлигини шакллантириш технологияси CDIO таълим лойиҳасини алгоритмлаш, тезкор тил ўрганишда мобиллик ва интегративликни таъминлаш ҳамда “Klivilend Plan” методлар комплексининг бош тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида хорижий тилни (рус тили) ўқитиш орқали талабаларнинг мутахассислигига хос касбий сифатларини ва креативлигини шаклланганлик даражаларини баҳолаш мезонлари терминологик аппаратни дастурий аппаратга фанлараро интеграциялаш ҳамда тил ўрганишнинг индивидуал таълим траекториясини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида талабаларнинг креативлигини шакллантиришнинг услубий-дидактик таъминотини таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг тил қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича янги маълумотлар билан бойитилган;

талабаларга хорижий тилни (рус тили) ўқитиш орқали креативлигини шакллантириш ҳамда тил билиш компетентлигининг компонентларини ривожлантиришнинг методик модели блоклар иш турлари такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари рус тилини ўқитишда талабалар креативлигини шакллантириш, таълим лойиҳасини алгоритмлаш орқали рус тилини касбий фаолиятга йўналтириб ўқитиш методикаси интерфаол методларни қўллаш асосида бойитилган;

хорижий тилни (рус тили) ўқитиш орқали креативлигини шаклланганлигини баҳолашнинг мотивацион-мақсадли, лингвомаданий, коммуникатив-фаолиятли, ижтимоий-шахсий мезонлари ва бошланғич, таянч, етакчи-касбий даражаларининг ноаниқлик, аҳамиятсизлик ва муҳимлилик зоналарини аниқлаш натижасида оптималлаштирилган ўқув юртларида рус тилини ўқитишда талабаларда ижодкорликни шакллантиришга педагогик таъсир кўрсатиш усулларни ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда назарий маълумотлар, тасвирлаш, таснифлаш, математик ва статистик таҳлилининг аниқ ва самарали методлари қўлланилгани, назарий хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг тегишли ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рус халқининг маънавий қадриятларини ҳиссий идрок этиш асосида талабаларнинг ижодкорлик ва фикрлаш жараёнларини шакллантириш ва фаоллаштиришга ёрдам берувчи ишлаб чиқилган услубий тавсиялардан фойдаланиш билан белгиланади. Тадқиқот

материаллари рус тили ўқув дастурларида, дарсликларда ва ўқув қўлланмаларида ва ўқув-услубий таъминотда қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар талабаларни рус тилига самарали ўқитишда, хусусан, фикрларини мантикий кетма-кетликда тўғри тақдим этишда ёрдам беради. Рус тили дарсларида талабалар ижодкорлигини шакллантиришнинг яратилган услубий тизимидан университетда бўлажак рус тили ўқитувчиларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин (бакалавр ва магистр даражалари); тадқиқот материалларидан ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчиларни ўқитиш амалиётида, рус тили ва адабиёти ўқитувчилари учун малака ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рус тили дарсларида талабалар креативлигини шакллантиришда юқори самарадорликка эришиш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

олий таълим муассасаларида талабаларнинг креативлигини шакллантиришнинг услубий-дидактик таъминоти мазмуни рус тилини ўқитишда синергетик ёндашувни мобиллик тамойилига рефлексиялаш ҳамда ўқитиш ва ўқув билишнинг ташкилий-функционал, ташкилий-педагогик, предметли-дидактик шарт-шароитларни таъминлаш асосида ривожлантиришга оид таклиф ва хулосалардан «Оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш» бўйича ўқув қўлланма мазмунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 13 майдаги 166-сонли буйруғи билан нашрга рухсат берилган гувоҳномаси). Натижада ишлаб чиқилган ўқув қўлланма талабаларнинг креативлигини шакллантиришга хизмат қилган;

талабаларга хорижий тилни (рус тили) ўқитиш орқали креативлигини шакллантириш ҳамда тил билиш компетентлигининг лингвистик, ижтимоий-лингвистик ва прагматик компонентларини ривожлантиришнинг методик модели мақсадли, методологик, мазмунли-фаолиятӣ, диагностик-натижавий блоклар узвийлигида педагогик стратегиясини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва хулосалардан «Олий таълим тизимида ногиронлиги бор талабалар учун “тўсиқсиз муҳит”» номли грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 7 ноябрь куни 957-сонли гувоҳнома асосида). Натижада ишлаб чиқилган модел талабаларнинг креативлигини шакллантиришга хизмат қилган;

олий таълим муассасаларида рус тилини касбий фаолиятга йўналтириб ўқитиш орқали талабаларнинг тил билиш компетентлигини ва креативлигини шакллантириш технологияси СДИО таълим лойиҳасини алгоритмлаш, тезкор тил ўрганишда мобиллик ва интегративликни таъминлаш ҳамда “Klivlend Plan” методлар комплексининг бош тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга доир таклифлардан Гулистон давлат университети (Гулистон давлат университетининг 2022 йил 4 январьдаги 37-сонли маълумотномаси), Жиззах давлат педагогика университети (Жиззах давлат педагогика университетининг 2022 йил 4 апрельдаги 59-сонли

маълумотномаси) ва Нукус давлат педагогика институти (Нукус давлат педагогика институтининг 2022 йил 22 февралдаги 65-сонли маълумотномаси) педагогик тажриба - синов ишларини ўтказишда фойдаланилган. Натижада ишлаб чиқилган модел талабаларнинг креативлигини шакллантиришга хизмат қилган;

олий таълим муассасаларида рус тилини касбий фаолиятга йўналтириб ўқитиш орқали талабаларнинг тил билиш компетентлигини ва креативлигини шакллантириш технологиясини, талабаларнинг мутахассислиги хос касбий сифатларини ва креативлигини шаклланганлик даражаларини баҳолаш мезонлари такомиллаштириш асосида ривожлантиришга оид таклиф ва хулосалардан «Жаҳон адабиёти тарихи» (рус тилида) ўқув қўлланма мазмунига киритилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сонли буйруғи билан нашрга рухсат берилган) Натижада такомиллаштирилган таълим технологияси ва баҳолаш мезонлари олий таълимда хорижий тилларни ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та республика ва 5 та халқаро форумларда, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 та монография, 33 та илмий мақола, шу жумладан, 9 та мақола докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда, шу жумладан, 7 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 111 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, унинг фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги асосланиб, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **"Талабаларнинг ижодий тафаккурини шакллантириш ва намоён этишнинг психологик асослари"** деб номланган биринчи бобида креативликни шакллантириш ва намоён этиш имкониятларини кенгайтириш зарурлигини, талабаларда рус тилини ўрганишга бўлган қизиқишини оширишга, рус халқининг маданияти, урф-одатлари ва анъаналари, маънавий қадриятлари билан таништиришга имкон берди.

Нофилологик факультет талабаларига фақат мулоқот орқали гапиришни ўргатиш мумкин. Рус тили ўқув жараёнини махсус ташкил этиш метод ва усулларни тўғри танлаш ва ўқитиш методологиясини такомиллаштиришга боғлиқ.

Университет шароитида талабалар ижодини ривожлантириш муаммосини кўриб чиқишдан олдин, "креативлик" сўзи билан нимани назарда тутаётганимизни аниқласак.

"Креативлик" сўзи билан нимани назарда тутаётганимиз ҳақидаги саволни ҳисобга олсак, "ижод" атамасини чуқур ўрганиш керак. Шаклни ўзгартиришдан ташқари, "ижод" сўзларининг маъноси ҳам ўзгарди. Масалан, қадим замонларда фақат Худо Яратувчи ҳисобланган. Ижодкорликнинг гуманистик талқини анча кейин, XX асрда пайдо бўлди.

Ҳозирги жамиятда "ижодкорлик" ёки "яратувчилик" сўзининг маъноси кўпинча ишлаб чиқарувчилар, дизайнерлар ва реклама ходимларини касбий тайёрлашда қўлланилади.

Педагогикада талабаларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш муаммоси янгилик эмас. А. С. Макаренко ўз асарларида "педагогик ёндашув нуқтаи назаридан шахсни шакллантириш уни мақсадли тарбиялаш демакдир", деган фикрлари ижодий салоҳиятни ривожлантириш муаммосига қаратилган.

Я.А. Пономарев, Д.П. Богоявленская, Е.Н. Ильин, Л.С. Выготский, В.Я. Коровина, А.Г. Кутузов, Л.В. Занковлар ҳам ўз тадқиқотларини талабаларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш муаммосига бағишлаган.

Ижодкорлик инновациялардан ажралиб туради. Унинг таърифлари ижодий жараёнга, тадқиқотчининг ижодига, ижтимоий муҳитга нисбатан ижодкорликни белгилайдиган ижодий маҳсулотга, шунингдек, тадқиқотчиларнинг турли назарий қарашларига қараб фарқланади. Ижодкорлик турли парадигмаларга кўра турли йўллар билан тушунилади.

Бу, биринчидан, ижодий ҳал қилиниши керак бўлган муаммо; иккинчидан, муаммодан маҳсулотга, унинг хусусиятларига, босқичларига олиб борадиган жараён; учинчидан, ижодкорлик натижаси ҳисобланган маҳсулот; тўртинчидан, ижодкорнинг шахсий фазилатлари, унинг хусусиятлари, хулқ-атвори ва бошқалар.

Шундай қилиб, креативлик бу-ихтиро қилиш қобилияти, янги ғояларни яратиш қобилиятидир.

Кўпгина тадқиқотларда креативлик ақлий ва шахсий хусусиятларга эга шаклланиши ва намоён бўлишига йўналтирувчи жараён ҳисобланади.

А.Маслоунинг фикрича, креативлик, бу- ўз-ўзини англашга мойил бўлган одамларнинг универсал сифати ҳисобланиб, у шахсий қобилиятларини тўлиқ ривожлантириш учун хизмат қилади. Фақатгина ижодкорликда одам шаблонга кўра эмас, балки тўлиқ очилиш, ўзига хос тарзда ҳаракат қилиш имкониятини топади.

А. Маслоу ютуқларни шахснинг ўзи белгилайди, деб ҳисоблайди ва шунинг учун жасорат, эркинлик, интеграция, ўзини ўзи тасдиқлаш

хусусиятларини таъкидлайди, ижодий муносабатларда ёки ижодий шахсда ифодаланган умумий ижод турини яратади. Ижодкорликни ўз-ўзини англаш қуёш нури каби содир бўлади, ҳамма жойга тарқалади.

Креатив фикрлаш мажбурлашсиз пайдо бўлиши керак. Агар ижодкорлик мажбурлаш натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлса, унда одам ўз фикрларини эркин ифода этиш қўрқувини намоён қила бошлайди.

Психологлар турли хил фазилатларга эга бўлган шахснинг креативлиги ва салоҳиятини аниқлашга кўпроқ эътибор беришган.

Д. Гилфорд ижодда тўрт омилни белгилайди: 1) раволик (ғоялар максимал сонини ишлаб чиқариш учун қобилияти); 2) оригинал (ностандарт ғояларни аниқлаш қобилияти); 3) мослашувчан (турли ишлаб чиқариш учун туғиладиган ғоялар қобилияти); 4) аниқлик (аниқ фикр бериш қобилияти).

Креативликни шакллантириш орқали ўрганишни ташкил этиш жараёни жуда кўп афзалликларга эга. Бироқ, шу билан бирга, ушбу усул ёрдамида талабалар томонидан билимларни ўзлаштириш ўқув материалига ҳамда олинган маълумотларни тақдим этишнинг амалиётига боғлиқ:

1. Рус тилини ўрганаётган талабалар ўртасида ижодий фикрлашни шакллантириш жараёнида ўқитувчи ва талабалар ўртасида ўзаро манфаатли, ижодий, илмий муҳит яратилади. Бу жараёнда талаба ўзини эркин ҳис қилади ва мустақил фикрлаш имкониятига эга бўлади.

2. Ушбу жараёнда талабалар мавзу бўйича маълумот олишади, улар ўқитувчи томонидан мавзунини ўзлаштириш учун тақдим этилган адабиётларни ўрганишлари ва ўз билимларини, яъни ўз-ўзини баҳолашлари керак.

3. Интерфаол ўқитиш усулидан фойдаланиш, бунда талабалар ақлий ҳужум ва мавзунини билиш усулидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Талабалар интернет орқали виртуал видео курсларни мустақил равишда кўришлари, шунингдек, тўлиқ ўқув курсларини офлайн режимда кўришлари мумкин, бу уларга маълум бир мавзунини тушуниш ёки кўникмаларга эга бўлиш, тегишли хулосалар чиқариш имконини беради.

Олий ўқув юртлири одатда нофилологик факультети таълим соҳаларида махсус ўқитиш методикасини ишлаб чиқадилар, бу эса рус тилини ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Бундай муаммоларга рус тилини ўқитиш учун тузилган ўқув дастурлари, дарсликлар ва қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш зарурати, шунингдек, филологик бўлмаган факультетларда таҳсил олаётган мутахассисларнинг касбий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълимни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар, синфларни замонавий ўқув қўлланмалари билан жиҳозлаш, ўқиш ва амалиётга татбиқ этишга қаратилган турли услубий ишланмалар киради амалиётда илғор хорижий таълим технологиялари ва бундай кўрсатмалар тузиш масалаларни ўз ичига олиши мумкин.

Олий ўқув юртлирининг нофилологик факультети таълим йўналишлари талабалари билан суҳбатлар, дарснинг боришини кузатиш, уларнинг мутахассисликка қаратилган вазифаларни бажаришга муносабатини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, аксарият талабалар юқоридаги омилларга бефарқ,

яъни талабаларнинг ўрни ва ролини яхши тасаввур қила олмайдилар. кейинги касбий фаолиятда чет тили, рус тили, шунингдек, биринчи босқич талабаларини олий ўқув юрти шароитларига одатлантириш (мослаштириш) даврида улар ўрганилаётган рус тилига нисбатан зарур касбий мотивацияни шакллантирмаганлиги аниқланди, бу эса рус тилини ўқитиш самарадорлигига салбий таъсир қилади.

Нофилологик факултетларда рус тили таълими талабаларга келажакдаги касблари билан боғлиқ касбий мотивациясини шакллантириш орқали рус тилини ўрганишга бўлган доимий истакни таъминлайди.

Тадқиқотимиз давомида биз юқоридаги тадқиқот ишлари таҳлил қилинган олимларнинг компетенция ёндашувларининг илмий ғоялари асосида рус тили дарсларида талабалар ижодини шакллантириш жараёнининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш бўйича экспериментал ва апробация ишларини олиб бордик ва бу ҳақда илмий ва назарий ғоя, қарашларни илгари сурдик.

Тадқиқотимиз давомида таҳлил қилинган олимларнинг илмий ёндашувларининг ғоялари асосида виртуал технологиялардан фойдаланган ҳолда талабалар ижодини шакллантириш жараёнининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш бўйича экспериментал ва назорат ишларини олиб бордик.

Диссертациянинг 1-бобини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ижодкорлик ёрдамида талабалар креативлигини шакллантириш асосида замонавий дарсларнинг самарадорлигини ошириш, талабаларга рус тилини ўргатишга қаратилган инновацион жараённинг мазмунини бойитади.

Диссертациясининг иккинчи бобида **"Олий ўқув юртларида рус тилини ўқитишда креативликни шакллантиришнинг педагогик омиллари"** рус тили дарсларида талабалар ижодини шакллантиришнинг педагогик шароитларини таҳлил қилади.

Бизнинг фикримизча, рус тилини ўқитишда креативликни шакллантириш жараёни қуйидаги таркибий жиҳатларнинг ифодасида ўз аксини топади:

ўқув жараёнини лойиҳалаш;
жараённи инновацион ташкил этиш;
инновацион технологиялар асосида ўқув жараёнини бошқариш;
натижани баҳолаш, янги технологиялар асосида келажакдаги фаолиятни дастурлаш.

Албатта, ушбу жараённи самарали ташкил этиш учун нафақат ўқитувчидан, балки талабадан ҳам маҳорат талаб этилади.

Олий ўқув юртида компететлили таълимни ташкил этиш қуйидаги таълим тамойилларига асосланади: **илмий, тизимли, изчил, далилларга асосланган, таълим ва тарбиянинг узлуксизлиги, онглилик, равшанлик, назария ва амалиётнинг бирлиги, узвийлик.**

Олий ўқув юртларида рус тилини самарали ўқитиш технологияси асосланиб, тегишли назарий, педагогик ва амалий асосларда дарсдан ташқари шароитларнинг педагогик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилмоқда.

Илмий ишларни, шунингдек, амалий педагогик тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида ўқув модели ишлаб чиқилди (расмга қаранг. 1).

Моделга кўра қуйидаги *вазифалар* жойлашганлигини кўриш мумкин:

1. Талабаларни рус тилига қизиқишини ошириш, нофилологик таълим йўналишлари талабаларида креативликни шакллантиришнинг даражалари ва уларни танлаш мезонларини аниқлаш;

2. Талабаларда «Рус тили» фани бўйича самарали методларни қўллашда дидактик ўйинлар типологиясини моделлаштириш орқали такомиллаштириш;

3. Инновацион технологиялар ёрдамида нофилологик таълим йўналишлари талабаларини лингвистик билимларини (фонетик, лексик, грамматик гапириш, ўқиш, тинглаш, ёзиш) шакллантириш, олий таълим муҳитида баҳолаш мезонлари ва сифат кўрсаткичларини тажриба-синов жараёнида амалга татбиқ этиш асосида тегишли хулоса ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;

4. Талабаларда креативликни шакллантиришга оид илғор ёндашувларни аниқлаш;

5. Талабаларда рус тили дарсларида креативликни шакллантиришни, мавзуларни сифатли ўзлаштирилишини таъминлаш.

6. Диссертациянинг **«Талабаларнинг креативлигини шакллантириш ишларини ташкил этиш ва олиб бориш»** деб номланган учинчи бобда тадқиқот иши бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари мазмуни ёритилган.


7. Тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун 2018-2022 йиллар мобайнида Гулистон давлат университети, Жиззах давлат педагогика университети ва Нукус давлат педагогика институтлари 1-курс талабаларининг анкета ва тест синовлари ўтказиб борилди.

8. Тажрибалар давомида олинган натижалар шуни кўрсатдики, ушбу услуб рус тили дарсларида талабалар ўртасида креативликни шакллантириш учун зарур асос бўлиб хизмат қилади, рус тилини ўқитишда яхши таъсир кўрсатади, бу эса охир-оқибат талабанинг онгини фаоллаштиришга олиб келади.

9. Шунингдек таъкидлаш керакки, рус тилини ўқитишга бўлган қизиқишнинг ортиши ижодий (танқидий) фикрлаш, коммуникатив вазифаларни мустақил ҳал қилиш орқали намоён бўлади.

10. Талабаларда креативликнинг шаклланишини ривожлантиришда А гуруҳига 3-мураккабликдаги (**қидирув**), Б гуруҳига – 2-мураккабликдаги (**продуктив**) ва В гуруҳига - 1-мураккабликдаги (**репродуктив**) вазифалар киради.

11. Назорат гуруҳларидаги талабаларини 1-даражали мураккабликдаги вазифаларга кўпроқ жалб қилинганлиги аниқланди, яъни репродуктив; тажриба гуруҳларидаги талабаларни эса талабалари - 2 - (продуктив) ва 3-даражали мураккабли вазифаларни бажаришга қизиқишларини кўрдик.



1 расм. Олий ўқув юртларида рус тилини ўқитишда ижодкорликни шакллантириш модели.

Мустақил ижодий фикрлашни рус тили дарсларида шакллантириш талабаларни узоқ вақт ўйлашга, рус тилидаги сўз ва ибораларни ёдлашга мажбур қилади. Рус тилини ўқитишда талабаларда креативлигини шакллантириш даражасини баҳолаш мезонлари ушбу тадқиқотнинг иккинчи бобида акс эттирилган. Эслатиб ўтамиз, креативлик, бу- талабаларнинг рус тилини ўқитиш соҳасидаги мақсадларига эришиш учун услубий ёндашувларни, методларни режалаштириш ва қўллашга имкон берадиган зарур билим, кўникма ва шахсий фазилатлар тўплами. Креативликни шакллантириш даражасини ташхислаш жараёнида биз қуйидаги даражаларни аниқладик: зарур, етарли, юқори.

Ижодкорликни баҳолаш жараёнида таҳлил объекти сифатида юқорида тажрибалар учун кўрсатилган олий педагогик ўқув юртларининг бакалавр талабаларининг ишлари эди. Булар талабаларнинг ижодий ишлари, улар томонидан университетда ўқиш ва узлуксиз педагогик амалиёт давомида яратилган дидактик материаллар, очиқ дарслар, шунингдек, таълим муаммоларини ҳал қилишда қўлланиладиган метод ва усуллар эди.

Ушбу турдаги кўплаб ишлар таҳлил қилинди, уларга мустақил ва гуруҳли ижодий ишлар, хабарлар ва ҳисоботлар билан тақдимотлар, лойиҳалар, портфолиолар ва бошқалар киритилган.

Синов икки йил давом этди ва биринчи курс талабалари тажриба гуруҳида қатнашдилар. Педагогика университетини тугатгандан сўнг улар меҳнат бозорига жалб этилди, талабаларнинг аксарияти доимий педагогик амалиётга эга бўлган мактабларга ишга қабул қилинди. Талабаларнинг узлуксиз педагогик амалиёти давомида кўрсатган салоҳияти таълим муассасаси маъмуриятининг эътиборидан четда қолмади. Бу факт талабаларнинг амалиётдаги юқори фаоллиги, уларнинг таълим мазмунини билиши, касбий маҳорати юқори даражада эканлигидан далолат беради.

Буни аниқлаш жуда муҳим эди: қай даражада бакалавр талабаси маълум бир характердаги ҳаракатлар, операцияларни бажаришга тайёрлиги.

Тажрибаларимиз давомида биз қуйидагиларни аниқладик:

- биз креативликнинг белгиловчи элементи бўлган малака даражасини лойиҳа фаолиятида аниқладик, шунингдек, бакалаврларнинг университетда "Рус тили" фани ўқув жараёнини Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартига мос равишда олиб борилишини кузатдик;

- тажрибада иштирок этаётган бакалаврият талабалари баҳоланди, касбий таълим вазифаларини ҳал қилиш учун бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолият ва малакасини ошириш учун тайёрлаш тизимидаги фан, касбий, асосий таркибий қисмларнинг аҳамияти аниқланди.

Бошланғич даражадаги талабаларга саволларга дарс давомида эшитган ёки катталарга тақлид қилиш орқали ўзлаштирган иборалар билан саволларга жавоб берадиган, шунингдек, шеърлар, эртақлар ўқиш ва топишмоқларни топиши қийин бўлган талабалар киради. Мулоқот пайтида улар ўз фикрларини рус тили грамматикаси қоидаларига мувофиқ мантиқий кетма-кетликда эркин ифода эта олмайдилар.


Ўртача репродуктив даражага аудиторияда ўрганган ёки катталарга тақлид асосида ўрганган иборалар билан саволларга жавоб берган талабалар киритилган. Улар шеърлар, эртаклар айтиб беришни, топишмоқларни айтишни ва уларни топишни билишади, лекин ўз баёнотларини мустақил ифода этишда қийналишади.

Ўз фикрларини рус тилида равои ифода эта олган, ҳар қандай саволга мантиқий кетма-кетликда осонгина жавоб бера олган талабалар юқори даражадагиларга киради. Улар шеърлар, эртаклар, мақол ва маталлар айта олади ва ўз фикрларини эркин ифодалай олади.

2018-2021 йиллар давомида тажриба-синов ишларини олиб бориш мақсадида факултетлараро йўналишлар бўйича ГулДУ, Жиззах ГПУ ва Нукус ГПИ 1-курс талабаларининг 360 нафари ўртасида анкета ва назорат тестлари ўтказилди. (3.1.1-жадвалларга қаранг).

3.1.1.-жадвал. 3.1.1

| № | Экперимент олинган университетлар | Тажриба гуруҳлари | Сифат кўрсаткичи | Ўзлаштириш кўрсаткичи |
|---|-----------------------------------|-------------------|------------------|-----------------------|
| 1 | Гул ДУ | Назорат гуруҳи | 66,6 | 98,3 |
| 2 | | Тажриба гуруҳи | 78,1 | 99,9 |
| 3 | Нукус ДУ | Назорат гуруҳи | 66 | 98,1 |
| 4 | | Тажриба гуруҳи | 71,8 | 99,8 |
| 5 | Жиззах Д ПУ | Назорат гуруҳи | 62,9 | 96,2 |
| 6 | | Тажриба гуруҳи | 69,6 | 99,9 |



2-расм. Олинган билим ва амалий кўникмаларнинг динамик ўсиши (тажрибалар асосида ва баён қилинган) олий ўқув юртларида рус тилини ўқитишда креативликни шакллантириш

Педагогик экспериментал иш натижаларини таҳлил қилиш

Биз олиб борган педагогик тадқиқотларда экспериментал ва назорат гуруҳларида қатнашадиган талабалар томонидан экспериментал ишларни

экспериментал якунлашда кўрсатилган кўрсаткичларни ўзаро таҳлил қилиш ва таққослаш асосида таклиф қилинган методологиянинг самарадорлиги тўғрисида якуний хулоса чиқарилди. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилишнинг кўпгина математик ва статистик усулларидадан фойдаланганда, тажриба ва назорат гуруҳлари талабалари томонидан тажриба охирида ассимиляция сифат кўрсаткичларининг ўзгариши натижасида эришилган самарадорлик баҳоланди.

Экспериментал синов ишларини математик ва статистик таҳлил қилишда қуйидаги мезонлардан фойдаланилди:

Экспериментал ва назорат гуруҳлари талабалари томонидан ўртача ассимиляциянинг сифат кўрсаткичлари ўртача арифметик усул ёрдамида нисбий ва ўртача айириш коэффициентлари бўйича таққосланди;

Экспериментал гуруҳлардаги ўзгарувчанликнинг вариацион кўрсаткичлари аниқланди ва шу асосда хулоса чиқарилди;

Экспериментал ва назорат гуруҳларининг намунавий тақсимотларининг кўпбурчаги тузилди ва ХИ квадрат усулининг Пирсон мезонининг тақсимот мезонлари асосида бош тўпламлари ўртача қийматининг тенглиги гипотезаси кўриб чиқилди ва умумлаштирилди;

Педагогик тажриба-синов жараёнида ўтказилган математик ва статистик таҳлил натижалари асосида умумий хулосалар чиқарилди.

Қуйидаги жадвалдаги кўрсаткич натижалари асосида экспериментал гуруҳлар (жами: 173 талаба) ва назорат гуруҳлари (жами: 175 талаба) учун вариацион кўрсаткичларнинг таҳлили

3.2.1-жадвалда кўрсатилган ўзлаштиришни кўрсаткич натижаларидан кўриш мумкин. Бизнинг тажрибамиздан маълумки, тажриба гуруҳларида "қоникарсиз" ўзлаштирган талабалар йўқ, назорат гуруҳларида эса ўзлаштириш даражаси 1,7% (3 kishi) ни ташкил этади. Бундан ташқари, ушбу 3.2.1-жадвалдаги таҳлил натижаларига кўра, экспериментал гуруҳларнинг ривожланиш кўрсаткичлари назорат гуруҳларининг ривожланиш кўрсаткичларига қараганда самаралироқ эканлигини кўриш мумкин.

3.2.1-жадвал натижаларидаги умумий ҳисоб-китобга кўра, экспериментал гуруҳлар ва назорат гуруҳларининг ассимиляция кўрсаткичлари ассимиляция кўрсаткичларидан сезиларли даражада ошади, деган хулосага келиш мумкин. Биз буни иккала гуруҳга мос келадиган диаграммаларда кўрсатамиз.


3.2.1 жадвал.

Натижалари асосида тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

| Гуруҳлар | Тажрибада қатнашган килинган ўқувчилар сони | Ўзлаштириш баҳолари | | | |
|----------------|---|---------------------|---------------|---------------|-------------|
| | | «5» | «4» | «3» | «2» |
| Назорат гуруҳи | 173 | 38 (21,9%) | 75 (43,3%) | 56 (32,3%) | 3 (1,7%) |
| Тажриба гуруҳи | 175 | 40 (22,8) | 90 (63,2%) | 47 (30%) | 0 (0%) |

